

Ш ОРАСУЛ ШОРАҲИМОВ

# АФРОСИЁБГА САЁҲАТ

---

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
Тошкент — 1979

## МУАЛЛИФ ДАН

Кўна тарихнинг узоқ асрларига назар ташласак, ўтмишда деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти билан оламга донг таратган Самарқанд ўзининг мураккаб ва мазмундор тарихи билан кўз ўнгимизда гавдаланади. Бу шаҳар ўзининг илғор ўтроқ маданияти, хилма-хил хунармандчилиги, фан ва санъати билан шуҳрат қозонган.

Бинобарин, шаҳарнинг қадимги тарихий ёдгорликлари бўлмиш гўзал Гўри-амир, муҳташам Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, маҳобатли Биби-хоним масжиди, муаззам Улуғбек расадхонаси, сокин Шоҳи-Зинда ансамбли мақбаралари жаҳон маданияти хазинасининг дурдоналари ҳисобланади. Булар қаторига ҳақли суратда Урта Осиё халқларининг тарихи ва маданияти ҳақида билимларимизни ошириб бораётган, Самарқанд тарихининг тикланишига имкон берадиган, яқин келажакда «Зангори осмон остидаги очиқ музейга» айлантириладиган Афросиёб ёдгорлигини ҳам киритиш керак.

Бағрида битмас-туганмас сиру асрорларни пинҳон сақлаб ётувчи, ота-боболаримиз ҳаёти, уларнинг юксак санъат ва маданиятини кўз ўнгимизда гавдалантириб, қайта тирилтириб бера олувчи тилсимот — Афросиёб шаҳарчаси заҳматкаш археологлар томонидан заргар мисол эҳтиёткорлик билан очилмоқда.

Айниқса, 1958 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси қадимий шаҳарчада мунтазам суратда қазииш ишларини олиб бормоқда. Мен — мазкур китобча муаллифи ҳам бир неча йиллардан бери шу қазииш ишларида қатнашиб келмоқдаман. Қазииш давомида орттирилган тажрибалар, кузатишлар ва қадимги Самарқанд тарихи ҳақида ўйлар, тасаввурлар қўлингиздаги китобчанинг ёзилишига сабабчи бўлди. Китобча қадимий Самарқанд тарихини ёритиш йўлидаги илк уринишдир. Шунинг учун баъзи камчиликлар учраши табиий.

Биз бу тилсимот эшигини очиб, унинг ичига кириб, воқиф бўлган бир дунё сирлардан бир қисминигина Сиз, муҳтарам китобхонларга ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

## АРХЕОЛОГИЯ БИЛАН ТАНИШУВ

Маълумки, Ўзбекистон территориясида жуда кўп тепаликлар бор. Археологик жиҳатдан улар икки тоифага бўлинади. Биринчиси табиий, иккинчиси сунъий тепаликлар. Табиий тепаликлар дастлаб ер юзаси пайдо бўлганда, тектоник ҳаракат натижасида пайдо бўлган. Сунъий тепаликлар эса, қадимги шаҳар ёки қишлоқ харобаларининг қолдиғи бўлиб, маданий қатламларнинг устма-уст тўпланиб қолиши натижасида вужудга келган. Одатда, маданий қатлам кўпинча қорамтир рангда бўлиб, кул, кўмир ва бошқа нарсалар аралашган ҳолда бўлади ҳамда тепалик устида сопол, шиша синиқлари, танга пул ва бошқа ашёлар учрайди.

Археолог ўзини қизиқтирган тема бўйича археологик қазиш ишларини бошлашдан олдин, танлаб олинган ёдгорликни ҳар томонлама ўрганади, этнографик материаллар тўплайди. Олдин объект (қазиш ўтказиладиган жой) устида учрайдиган материаллар: гишт бўлаклар, сополлар, тангалар, шиша синиқлари ва ҳоказолар териб олинади. Бунинг археологлар «кўтарма» топилмалар деб атайдилар.

Сўнг тепаликнинг рельефи ўрганилади-да, тавсия ёзилиб, «нувилировка» (паст-баландликни фарқлаш) қилинади. Қазиш вақтида топилган буюм парчалари эса кундалик дафтарга ёзиб борилади. Маълумки, ар-

хеологияда бир марта қазилган ер қайта қазилмайди. Шунинг учун ҳам археологлар ернинг стратиграфиясига алоҳида эътибор берадилар.

Ҳўш, стратиграфиянинг ўзи нима?

Стратиграфия — икки сўздан тузилган бўлиб: «стратум» (лотинча) қатлам, «графо» (юнонча) ёзаман, яъни қатламларни ёзаман, таърифлайман, деган маънони англатади. Археолог қазиниш ўтказиладиган жойнинг мақсадга мувофиқ қисмидан қазиниш ишини бошлайди. У дастлаб устки қатламни, сўнгра маданий қатламларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан навбатма-навбат очади. Агар бирон уйнинг девори ёки қандайдир топилма чиқиб қолса, топилган нарса теша ёки пичоқ ёрдамида очилади. Баъзан эса, ноёб ашёлар ва санъат намуналарини очишда жарроҳ наштари-ю, рассомнинг нозик мўйқаламидан фойдаланишга тўғри келади. Қазиниш давомида маданий қатламлар бир-бири билан араллашиб кетмаслиги керак, чунки ҳар бир қатлам тарихнинг бир қисмини ташкил этади.

Археолог топилмани авайлаб очиш, уни химиявий йўллар билан қотиришни билиши керак. Акс ҳолда топилма тоза ҳавога чиқиши билан кукунга айланади. Чунки кўп асрлар мобайнида ҳар қандай топилма мўршлашиб, нозиклашади, қисман бузилади.

Археологларнинг архитекторлардан фарқи шуки, архитекторлар аввал қурилажак бино, иншоотнинг режасини тузсалар, археологлар аксинча, аввал бино, иншоотни бутунлай, тўла қазиб очиб, кейин унинг режасини қандай бўлса шундай чизиб оладилар. Лозим бўлса улар архитекторлар ёрдамида бинони асл ҳолига келтириш учун қайта тиклайдилар.

Қазиниш ишнинг бошланиши ва энг масъулиятли даври ҳисобланади. Шундай экан, археолог жуда эҳтиёткор, зийрак, толмас, серҳафсала, синчков бўлиши керак. Қазиниш вақтида асосан белкурак, кетмон, метин, теша, пичоқлардан, дала ишларида эса, чўтка, рейка,

фотоаппарат, компас, линейка, рулетка, чизмачилик тахтаси ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Кўпинча археологлардан: «Шунча кўп сопол синиқларини нима учун авайлаб оласизлар?»— деб сўраб қолишади.

Биринчидан, сопол парчаларни археологлар учун қазиб очилаётган иншоотнинг, уйнинг, маданий қатламнинг қайси асрга оидлигини аниқлашга ёрдам беради. Чунки ҳар бир даврдаги сопол идишлар шакли, безаклари, лойининг сифати билан бир-биридан фарқ қилган.

Иккинчидан, сопол — моддий маданиятнинг бир қисми бўлиб, кулолчилик ҳунармандчилигини ўрганиш археология фанининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, сопол — иқтисодий, маданий ва тарихий масалаларни ҳал қилишда археологлар учун асосий манба ҳисобланади.

Тўртинчидан, сопол — предмет ва ҳодисаларнинг вақтини ва ўрнини аниқлашда нумизматик (танга пул) материаллардан қолишмайдиган далил ҳисобланади.

Археологлар топилмаларнинг ёшини қандай қилиб аниқлашади? Бунинг учун археологик ёдгорликларнинг, топилмаларнинг аниқ таснифни ишлаб чиқиш зарур. Топилмаларнинг қайси бири ёшроғ-у, қайси бири қадимийроқ эканлигини аниқлаш учун уларни бошқа жойларда топилган ашёлар билан солиштириб чиқилади. Сопол идишлар бўйича бундай таснифни Афросиёб учун тарих фанлари доктори А. Тереножкин ишлаб чиққан.

Топилманинг ёшини аниқлашда ишлаб чиқилган таснифдан ташқари, яна бир қанча омилларга асосланилади. Чунончи, буюмнинг қай ҳолатда топилганлиги, ер юзасидан қанча чуқурликда эканлиги, бошқа нарсалар билан биргаликда топилганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Ашёларнинг «ёши»ни аниқлашга ёрдам берадиган воситалардан яна бири дендрахронология усулидир. Бу усулда қазувлар вақтида топиладиган дарахт танаси — тўсинларнинг кўндаланг кесимида ҳосил бўладиган йиллик ҳалқаларга асосланилади. Маълумки, дарахт танаси кўндаланг кесимидаги айланаларнинг кенглиги йилнинг қандай келишига: яъни ёғингарчиликнинг кўп ёки озлигига, ҳароратнинг юқори ёки пастлигига, тупроқ ҳосилдорлигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Бироқ об-ҳаво қандайлигидан қатъий назар, бир йилда фақат битта айлана ҳосил бўлади. Олимлар дарахт танасидаги айланаларни ўзаро таққослаб ва бир-бирига қўшиб, хронологик шкала тузадилар. Сўнгра уни илгаридан маълум бўлган хронологик шкалага солиштириб кўриб, дарахтнинг аниқ ёшини топадилар.

Кейинги йилларда археологик топилмалар ёшини аниқлашда аниқ ва табиий фанлар соҳасида ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланилмоқда.

Қадимги даврларни ўрганишда бирдан-бир ишончли манба археологик тадқиқот натижалари ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай тарихий ёдгорлик ёки археологик топилма инсон меҳнатининг, жамият фаолиятининг самарасидир. Сопол, тош, металл, ёғоч, шиша ва бошқа ашёлардан ясалган уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари ва ҳарбий яроғ-аслаҳалар шу нарсаларни яратган халқнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва бошқа томонларининг тилсиз шоҳидларидир. Археологиянинг вазифаси ана шу ашёларга, тарихий ёдгорликларнинг архитектураси ва тузилишига қараб, бундан бир неча минг йил аввал ўтган кишилар ҳаётини тиклашдан, узоқ ўтмиш тарихини яратишдан иборат.

Археологлар тупроқ «архив»ини қатма-қат «варақлар» эканлар, турли-туман топилмаларга ва баъзан кишини ҳайратга соладиган ажойиб санъат обидаларига дуч келадиларки, булар аجدодларимизнинг юқори онги ва юксак дидидан далолат беради.

## АФРОСИЁБ

Афросиёбга қиладиган саёҳатимизни бошлашдан аввал бир шингил тарихни эслайлик. Сизларга тарих фани дарсликларидан жуда яхши маълумки, ўтган XIX асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиё чор Россияси томонидан босиб олиниб, хом ашё етказиб берадиган мустамлакага айлантирилган. Чор ҳукумати ўлка бойликларини талаган, меҳнаткаш халқни янада қаттиқроқ эза бошлаган. Урта Осиёга кириб келган рус кишиларини маҳаллий халқ яратган маданият ёдгорликларига бўлган муносабатлари жиҳатидан икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифага чор генерал губернаторлари бошлиқ амалдорлар, савдогарлар мансуб бўлиб, улар тарихий обидаларга салбий муносабатда бўлганлар. Туркистон генерал губернаторларидан бири шундай деган экан: «Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари қанчалик тез вайрон бўлиб кетса, биз учун шунчалик яхши». Иккинчи тоифага рус тараққийпарвар кишилари кириб, Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликлар уларнинг эътиборини ўзига тортган. Фақат ер устидаги ёдгорликлар эмас, балки сақланиб қолган тепаликлар, қўрғонлар, мозорлар ҳам уларни қизиқтирган. Жумладан, Афросиёбда дастлабки қазииш ишларини 1874 йилда майор Борзенко олиб борган. У ердан қазииш вақтида ранг-баранг сирли сопол идишлар, шиша буюмлар, танга пуллар топилган. М. Ростиславов ёзиб қолдирган мақолада айтилишича: «Қазииш дастлаб ўйланган режа асосида эмас, балки пала-партиш, тартибсиз олиб борилган». Қазииш ишлари натижасида бир бионинг қолдиги топилган, уйнинг полига ҳар хил рангдаги сирли гиштчалар ҳозирги замон «паркет» полларига ўхшатиб қопланган экан. Кейин харсанг тошлардан қилинган зинапоя қазиб очилган.

Шундан бери Афросиёб археологлар диққатини ўзига тортиб келмоқда. Археологларнинг фикрича, бу ерда



Афросиёб. Рассом П. Д. Воронкин асаридан фоторепродукция.



шаҳар қурилиши бундан қарийб 2500 йиллар илгари бошланган. У вақтларда бир қабила билан иккинчи қабила одамлари ўртасида тез-тез бўлиб турадиган урушлар сабабли шаҳар табиий тепалик устига ҳамда бир томонини Сиёб ариғи ўраб турган, яъни мудофаа қилиш қулай бўлган жойга қурилган. Лекин йиллар, асрлар ўтиши билан уйлар бузилган, девор қолдиқлари ўша жойнинг ўзига текисланиб, яна янги уйлар қурилган. Бу ҳол жуда кўп марта такрорланган. Натижада маданий қатлам тобора ўсиб бораверган ва тепалик ҳолига келган.

Тарихдан маълумки, 1220 йил баҳорида Чингизхон бошлиқ татар-мўғул босқинчилари Самарқандга ҳужум қилиб, қаттиқ қаршиликлардан кейин шаҳарни босиб олади. Шаҳарга ўт қўйиб вайрон қиладилар, шаҳар аҳолисининг кўпчилигини қириб ташлайдилар. Шундан кейин қадимги Самарқанд қайта тикланмайди. Биз билган ҳозирги Самарқанд кейинчалик бунёдга келган «Янги Самарқанддир». Чингизхон томонидан вайрон қилинган қадимги Самарқанднинг харобалари кейинчалик тепаликка айланади.

Самарқанд бошидан асрлар шамоли эсиб, бир қанча сулола подшолари ҳукм суриб ўтди. Тўхтовсиз урушлар, тарих саҳнасига ҳар хил сулола вакилларининг чиқиши ва ҳукмронлик қилиши, иқтисодий тушкунликлар, қўшни халқларнинг бостириб кириши шаҳар бошига кўп кулфатларни солди. Бу даврларда шаҳар аҳолисининг кўпчилик қисми қирилиб кетди ва Самарқандга бошқа ерлардан мажбурий равишда одамлар кўчириб келтирилди. Шаҳар аҳолисининг таркиби бутунлай ўзгарди, натижада шаҳар яқинидаги тепалик қадимги Самарқанд эканлиги халқ ёдидан кўтарилди. Одатда одамлар сақланиб қолган тепаликларга унинг кўринишига қараб ёки бирор воқеа, афсонага боғлаб ном қўядилар. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари орасида Афросиёб билан боғлиқ бўлган афсона кенг тарқалган.

Машхур археолог В. А. Шишкиннинг ёзишича, XVII—XVIII асрларда бу жойнинг номи подшо Афросиёб ҳақидаги афсона билан боғланади. Афсонага кўра, қадим замондаги шаҳар унинг резиденцияларидан бири бўлган эмиш. Уша пайтдан бошлаб тепалик «Афросиёб» номи билан халқ орасида машхур. «Афросиёб» сўзи бадий адабиётга форс-тожик классикасининг улкан намояндаси Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари орқали кирган бўлиб, у Турон мамлакатининг афсонавий подшоси сифатида талқин этилади. Тарихий қўлёзмаларда Афросиёб шаҳри тўғрисида маълумотлар кам ва ноаниқдир. Шунинг учун шаҳар тарихининг тўла тикланишида археологик қазиш ишлари натижасида қўлга киритиладиган маълумотлар ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Афросиёб номининг луғавий маъноси ва келиб чиқиши масаласида олимлар ўртасида ҳозиргача аниқ бир фикрга келинганича йўқ. Улар турли хил фикрларни баён этганлар. Ҳақиқатга бир мунча яқинроқ келадиган фикрни ленинградлик машхур сўғдшунос олим В. А. Лившиц айтади: «Афросиёб — «апар» ва «шавар» сўзлари бирикмасидан иборат бўлиб, «қора сув устидаги шаҳар» ёки «Сиёб атрофидаги ерлар» деган маънони билдиради. Сиёб эса «сиёҳ» ва «об» сўзларидан иборат, бу тожикча «Қорасув» демакдир.

## БУХОРО ДАРВОЗАСИ

Энди Афросиёб бўйлаб саёҳатимизни бошлаймиз. Мана, тепалик ҳолига айланган қадимий шаҳар устидан юриб боряпмиз. Қимларнингдир моҳир бармоқларида сайқал топган ранг-баранг сирли сопол парчалари, турли хил тусда жилваланиб турган шиша синиқлари атрофга сочилиб ётибди. Мана шуларнинг ўзиёқ бу ерда бир вақтлар гуллаб-яшнаган, обод шаҳар бўлганлигидан далолат беради. Қадимги каналларнинг

излари, кўчаларнинг ўрни, мудофаа деворларининг чўзилиб кетган марзалари, биноларнинг гумбазга ўхшаш қолдиқлари бу ер оддий тепалик эмаслигини кўрсатиб турибди.

Шаҳар худди эртакларда тасвирлангандек атрофи сув тўлғизилган хандақлар ва баланд мудофаа деворлари билан ўраб олинган экан. Шаҳарнинг шимолидаги Бухоро дарвозаси томон йўл олдик. Афросиёбнинг бундан ташқари яна учта дарвозаси бўлиб, шарқ томонда Хитой дарвозаси, жанубда Қеш дарвозаси ва ғарбда Навбаҳор дарвозалари номи билан машҳур бўлган. Дунёнинг тўрт томонидан келган савдо карвонлари, жаҳонгашта сайёҳлар шу тўрт дарвоза орқали шаҳарга кирганлар. Мазкур дарвозалар яхши ният билан келганлар учун ҳар доим очиқ бўлиб, самарқандликлар уларни зўр меҳмоннавозлик билан кутиб олганлар. Шаҳарнинг ҳамма томонига олиб борадиган кўчалар Бухоро дарвозасидан бошланар экан. Шаҳарга киришдан аввал баланд мудофаа девори диққатимизни тортди.

## 2500 ЁШЛИ ДЕВОР

Девор милоддан аввалги VI—V асрларда қурилган бўлиб, Афросиёбнинг шимолий қисмидан топилди. Деворнинг сақланиб қолган баландлиги 8 метр, кенглиги эса 7 метр келади. Девор катта-катта хом ғиштдан қурилган ва устидан яхшилаб сомон сувоқ қилинган экан. У бир неча марта қайта тиклангани шундоққина кўриниб турибди. Мазкур девор Афросиёб шаҳрининг энг қадимги мудофаа девори ҳисобланиб, кўп марта душман ҳужумларини даф этган, бамисоли «қалқон» вазифасини ўтаган. Ҳатто Искандар Зулқарнайн ҳам узоқ қамалдан кейин шу деворни бузиб шаҳарга киргани тарихий китобларда ёзиб қолдирилган. 1968—1970 йилларда археолог Галина Шишкина шу деворни топиб, текширди. Топилган археологик материаллар, тангалар,

маданий қатламлар, деворнинг 2500 ёшга кирганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Афросиёбни кетма-кет ҳалқа шаклида ўраб олган тўртта мудофаа деворлари бор. Мудофаа деворларининг сақлаиб қолган қисми баландлиги баъзи жойларда ҳатто 30 метр келади, кенлиги эса 15—20 метр. Юнон антик даври ёзувчиларидан Қвинт Курцийнинг ёзишича, шаҳар ичида қалъа («арк») ва унинг атрофида «шаҳристон» бўлиб, шаҳристоннинг атрофи ҳам мустаҳкам девор билан ўралган.

## ОТАШПАРАСТЛАР МЕҲРОБИ

Бухоро дарвозасидан кириб, ғарб томонга олиб борадиган кўча бўйлаб кета бошладик. Озгина юргач, бир томонга дуч келдик. Бу бинони машҳур археолог А. Тереножкин 1947 йилда очган бўлиб, кейинчалик археолог С. Қабанов тўла ўрганиб чиққан. Уч хонадан иборат бу бино Афросиёбнинг биринчи мудофаа девори ёнига қурилган. Бино мелодий эранинг II—III асрларига мансуб. Ана шу бинодан топилган оташпарастлар меҳроби диққатимизни тортди. Маълумки, Ўрта Осиёга араб истилочилари ислом динини тарқатмасдан илгари, ерли аҳоли ҳар хил динларга сиғинганлар. Шу жумладан, Самарқанд аҳолисининг асосий қисми оташпарастлик динига сиғинган. Хонанинг ғарбий қисмида деворга тақалган супа бўлиб, унда оташпарастлик меҳроби жойлашган. Меҳроб муттасил олов ёниши натижасида куйган ва қорайган бир нечта сопол плиталардан иборат. Ана шу супада ўт ёқилган. Супанинг ўртасида тўртбурчак чуқурча бор, унда чўғ сақланган бўлса керак. Мазкур оташпарастлар меҳроби қадимги жойидан кўчирилиб, Афросиёб музейи залига қўйилган.

Оташпарастларнинг шунга ўхшаган меҳроби Афросиёбнинг бошқа жойларидан ҳам топиллиши эҳтимолдан

холи эмас. Бинони томоша қилиб чиққач, Жоме масжиди томон йўл олдик.

## ЖОМЕ МАСЖИДИ

1220 йил... Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчилари мудофаа деворини бузиб кириб, шаҳарни бутунлай вайрон қилди. Шунга қарамай, самарқандлик мудофаачилардан мингга яқин киши Жоме масжиди ичига чекиниб, мўғул истилочиларига қарши мардонавор жанг қилдилар. Бироқ кучлар тенг эмас эди, самарқандликлар ёнғин ичида қолиб ҳалок бўлдилар. Шаҳар таслим бўлди. Бу Жоме масжидининг охириги куни тафсилоти.

Жоме масжиди Афросиёбнинг шимолий қисмига жойлашган. У машҳур Бибиҳоним масжидидан бир ярим марта катта бўлиб, ўз даврининг энг муҳташам биноларидан бири ҳисобланган. Унинг харобалари ҳозирги кунимизгача тупроқ остида яхши сақланиб қолган.

Биринчи бўлиб машҳур шарқшунос ва тарихчилар Н. И. Веселовский ва В. В. Бартольдлар қадимги китобларда ёзилганига кўра Аркнинг ғарбий қисмига жойлашган тепаликни қазиб кўрдилар. В. В. Бартольд қазииш ишлари натижаларига қараб, тарихий Жоме масжиди шу ерда бўлганини исботлади. Машҳур Улугбек расадхонасини 1908 йилда топган самарқандлик ўлкашунос ва археолог В. Л. Вяткин Афросиёбда, хусусан, Жоме масжиди ўрнида қазииш ишларини олиб борди. Совет ҳокимияти йилларида бу жой ўзбек археолог олимларининг диққатини ўзига тортди.

Араб сайёҳи ва географи Абулқосим ибн Ҳовқал (X аср) араблар Самарқандни ишғол қилгач, оташпарастларни чеклаш, аниқроғи йўқотиш, ислом динини ёйиш мақсадида шаҳардаги улкан ибодатхонани бузиб ташлаб, ўрнига ундан ҳам салобатлироқ масжид қуришгани ҳақида хабар беради.

Дастлаб масжид ўрнида «зардуштийлар» (оташпа-растлар), яъни ўтга сиғинувчилар ибодатхонаси бўлган. Самарқандни араблар босиб олгач, ибодатхонани бузиб ташлаб, ўрнига масжид қуришган. Кейинчалик қорахонийлар сулоласи даврида масжид қайтадан каттароқ қилиб тикланган. Масжид деворлари жуда мустаҳкам қилиб пишиқ ғиштдан, хом ғиштдан, баъзи жойлари пахсадан қурилган, деворнинг қалинлиги 3 метр. Масжиднинг олди очиқ узун айвондан иборат бўлган. Пойдеворлар пишиқ ғиштдан ганч қоришмаси ёрдамида ишланган. Масжиднинг шимолий ва жанубий деворида бир нечта дарвозалар бўлиб, уларнинг кенглиги 2—3 метр келади. Дарвозаларга олиб борадиган йўл-каларга пишиқ ғишт ётқизилган.

Масжид дарвозаларининг биридан ичкарига кириб, сайр қилишда давом этдик. Дарвозадан киришимиз биланоқ ҳовли саҳнининг кенглиги ва салобати бизни ҳайратга солди. Айвонни ушлаб турган қатор устунлар ёнидан ўтиб, масжид меҳроби томон равона бўлдик. Одатда мусулмон динига сиғинувчилар масжидининг меҳроби ғарб томонга, яъни Маккага қараган бўлади. Бу ерда ҳам шу ҳолни кўрдик. Меҳробнинг узунлиги 3,5, эни 1,6 метр келади. Деворнинг сирти ганч билан яхшилаб сувалган. Масжиднинг шимол томонидаги дарвоза бизни ташқаридаги бозор майдонига олиб чиқди. Бозорда мисгарлар, заргарлар, дегрезлар ва савдо дўконлари, ғарбда қорахонийлар сулоласига мансуб подшоларнинг мақбараси савлат тўкиб турибди.

...Масжид муҳофазачиларнинг охириги қароргоҳи бўлганлигини юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Деворларга санчилган ўқ-ёйнинг ўрни, қилич, ханжарлар, девордаги арабча ёзувлар, писта кўмир қолдиқлари, кучли ёнгин излари, куйиб кўмирга айланган устун босиб қолган одам скелети — буларнинг ҳаммаси ўша тарихий воқеани исботлаб турибди.

Қазиш вақтида топилган ҳалқасимон занжирларга

осиб қўйилган қандил, юпқа кумуш қопламалли камар ва ҳамён диққатга сазовордир. Ҳамён теридан бўлгани учун яхши сақланмаган, лекин ундан топилган олтин тангалар ярқираб турибди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, нозик дид билан ишланган мазкур топилмаларнинг нақшдорлиги Самарқандда заргарлик санъати нақадар ривожланганлигидан далолат беради.

Масжидга қилган сайримизни тугатар эканмиз, Жоме масжиди ўтмишнинг истеъдодли меъморлари яратган ажойиб санъат дурдоналаридан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

## АРК

Биз Жоме масжиди ёнидаги кўчадан ўтиб Арк томон бормоқдамиз. Маҳобатли Арк теварак-атрофга нисбатан баландда жойлашган мустаҳкам қалъа ҳисобланади. Ҳозиргача сақланиб қолган харобасининг ўзиёқ вайрон этилмасдан аввал нақадар салобатли бўлганлигини билдириб турибди. Аркнинг сақланиб қолган баландлиги 30 метрдан ортиқ. У мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Аркнинг тепасидан туриб қараган кишига атроф гўё «панорамадек» кўриниб туради.

Бинобарин, тарихий қўлёмаларда X аср араб географи Абулқосим ибн Ҳовқал бундай деб ёзади: «Самарқанд Сўғд дарёсидан жанубда жойлашган ва ундан баландда турган шаҳардир. Бу ерда арк, шаҳристон ва работ бор. Аркда ҳозирги вақтда қамоқхона қурилган ва ҳокимлар саройи бор. Аммо бу сарой хароба ҳолига келган. Мен аркка кўтарилиб, инсон кўзи ҳеч қачон кўрмаган ажойиб манзаралардан бирини: кўм-кўк дарахтларни, ҳашаматли қасрларни, оқаетган каналларни ва узлуксиз барқ уриб яшнаётган маданиятни кўздан кечирдим. Майдонлар ва шаҳарни безаб турган

бинолар алоҳида ажралиб туради. Буларнинг барчаси ҳамиша мавжланиб турган каналларда ва сувга тўла ҳовузларда акс этади».

Езма манбалардан маълумки, ўз пайтида Арк шаҳарнинг кўрки ҳисобланган. У муҳташам меъморчилик обидалари, ҳашаматли ва салобатли саройлари билан довруғ таратган. Бу ерда VIII—XIII асрларда қурилган иморатлар деярли сақланиб қолмаган, лекин охириги даврларга оид сарой қолдиги диққатга сазовордир.

Урта асрларда яшаган машҳур олим ва ёзувчи Муҳаммад Авфийнинг ёзишича: «Сарой одамзод қўли билан яратилган барча иншоотлар ичида тенги йўғи эди. Фарос маёғи Искандар Зулқарнайнинг шуҳратини бутун оламга таратганидек, бу сарой ҳам Тамғочхон номини машҳур қилган». Саройни XII аср охири ва XIII аср бошларида қорахонийлар сулоласининг қудратли подшоларидан Тамғочхон Иброҳим қурдирган.

Тарихий китобларда ёзилишича, бу саройни қурдирган Тамғочхон Иброҳимнинг ўғли бўлмиш Усмон отаси ўлгандан сўнг 1204 йили тахтга ўтиради. Бу вақтда тарих саҳнасиغا икки қудратли куч — Қорахонийлар ва Хоразмшоҳ чиққан эдилар. Усмон икки олов ўртасида қолиб, иккиланиб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўтиб турарди. У ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қизига уйланишга рози бўлади. Хоразмшоҳ қимматбаҳо сарполар, бир қанча навкарлар қўшиб дабдаба билан қизини Самарқандга узатади. Хоразмликлар бу ерга келгач, ўзларини ўта тақаббурона тутиб, маҳаллий халқни менсимай инсон кўзи кўрмаган, қулоғи эшитмаган ваҳшийликлар қиладилар. Натижада шаҳар аҳолисининг нафратига дучор бўладилар. Сабр косаси тўлган халқ жабр-ситамга чидаёлмай Усмон бошчилигида исён кўтаради. Улар хоразмликларнинг кўпчилигини ўлдирадилар. Аммо Хоразмшоҳнинг қизи бир гуруҳ навкарлар билан мустаҳкам қасрга кириб беркиниб олади. Шу вақтда Муҳам-



мад Хоразмшоҳ катта лашкар билан Самарқандга бостириб кириб, қўзғолончилардан аёвсиз ўч олади. Улар уч кунгача шаҳарни талайдилар, аҳолининг мол-мулкини, хотин-қизларини тортиб оладилар. Шу кунлар ичида жуда кўп самарқандлик ёруғ дунёдан кўз юмади. Биз зикр қилган гўзал ва муҳташам саройнинг кули кўкка совурилади.

## МИНГ ЙИЛЛИК ҲАММОМЛАР

Аркдан чиқиб шаҳарнинг кун ботар томонига йўл олдик. Биз тош кўча четидаги йўлкадан оҳиста қадам ташлаб кетмоқдамиз.

Кўз олдимизда қандайдир ўзига хос архитектура асосида қурилган гумбазли бино намоён бўлди. Бу ҳаммом экан. Одатда, ўрта асрларда кишилар ҳаммомларга алоҳида эътибор беришарди. Ҳаммомлар фақат тозалик учун хизмат қиладиган жой бўлибгина қолмай, кишилар даволанадиган ер ҳам бўлган. Одамлар касал бўлсалар соғликларини мустаҳкамлаш учун ҳаммомга тушганлар. Сўнги вақтларда Афросиёбнинг ғарбий қисмида X асрга оид ҳаммом қолдиқлари топилди. Ҳаммом деворларининг эни бир метр, баландлиги бир ярим метр ҳолда сақланиб қолган. Унинг тағ қисми, деворлари ғиштдан қилинган бўлиб, усти «қир» деб аталадиган маҳаллий сувоқ қоришмаси билан сувалган. У ўрта асрларда ҳозирги «цемент» вазифасини ўтаган бириктирувчи қурилиш қоришмаси ҳисобланиб, қурилишда жуда кенг фойдаланилган. «Қир» доимо намлик, сув таъсирида бўладиган жойларда ишлатилган. «Қир»нинг ажойиб хусусияти шундаки, у намлик теккан сари мустаҳкамланаверади. Бу эса ўрта аср қурувчиларининг катта билим ва тажрибага эга эканлигини кўрсатади.

Қазиш ишлари натижасида ўнта кичик-кичик хоначалар очилган бўлиб, улардан бошланган қувурларнинг

ҳаммаси марказий ханикка сопол қувурлар орқали ту-таштирилган. Ҳаммом биноси ёнидан иккита катта ўчоқ ва иккита қозон топилди. Уларнинг диаметри бир метр келади. Албатта, бу қозонларда ҳаммом учун сув иситилган бўлиши керак. Баъзи хоначаларда эса кичик ҳажмдаги ўчоқ ва қозонлар бор эди. Катта қозонларда сув иситилган бўлса, кичик қозонлардан сувни маълум ҳароратда сақлаб турниш учун фойдаланилгандир. Шунингдек, бу ердан хум, кўза, тоғора каби сопол идишлар ҳамда шиша идишлар ва уларнинг синиқлари топилди.

Ҳаммомни қазиб вақтида иккита сурмадон, марварид кўзли олтин зирак, билагузук, марварид ва маржонлар топилди.

Афросиёбда биринчи марта қўлга киритилган бу олтин зирак ўрта аср заргарлигининг ажойиб намунаси сифатида катта илмий аҳамиятга эга. Бу ердан топилган тангалар ва бошқа археологик ашёлар ҳаммомнинг X асрга оид эканлигини исботлайди.

Тарихий қўлёзмаларда ёзилишича, узоқ юртдан келган элчи ёки сайёҳ аввал ҳаммомга туширилиб, сўнгра чиройли шиша идишчаларга солинган атир, мушк-анбарлар билан сийланган. Шундан кейингина ҳоким саройига киритилган. Шиша синиқларининг кўп топилиши ҳаммомнинг ёрдамчи хоналаридан бирида шишачаларда шундай суюқликлар сақланганига гувоҳлик беради.

## ҲАШАМАТЛИ УЙ ҚОЛДИҒИ

Кейинги йилларда Афросиёбнинг бир неча жойидан X асрга оид ўймакорлик нақшлари билан безатилган уйлар топилди. Уларга минг йил муқаддам қандай ранг ва нақш берилган бўлса, шундайлигича сақланган. Деворлардаги нақш-гулларнинг баъзилари печак гулга ўхшаб бир-бирига чирмашиб кетган бўлса, айримлари

очилиб турган табиий гулларга ўхшайди. Уйма нақшларда узум токининг занги, барги ва узум бошлари жуда жозибали тасвирланган. Уймакор усталар нақш ишлашда асосан икки хил усул қўллаганлар. Биринчи усулда ганч билан сувалган деворнинг ўзига ўйиб гул туширган бўлсалар, иккинчи усулда эса безакларни бўлак-бўлак ҳолда олдиндан тайёрлаб, сўнг деворга ўрнатганлар. Мана, шундай уйлاردан бири ҳаммомнинг ёнгинасидан топилди. Қадимий уйларидаги моҳир усталар ишлаган ўймакорлик нақшлари гўзаллиги, жозибadorлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Бу эса санъатимиз ва маданиятимиз нақадар узоқ ўтмишга эга эканлигини кўрсатади. Уларни илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш, қадимги нақшлардан ҳозирда ижодий фойдаланиш санъатимизнинг янада камол топишига ёрдам беради.

## Х АСР СИЁҲДОНИ ВА СИЁҲИ

Юқорида айтганимиз ҳашаматли уйдан IX—X асрга оид сиёҳдон топилди. Шуниси диққатга сазоворки, сиёҳдоннинг ичида сиёҳи ҳам бор эди. Албатта сиёҳ даврлар ўтиши билан қотиб қолган ҳолда бизгача етиб келган. Сиёҳнинг кимёвий анализи унинг таркибини билиб олишга ёрдам беради.

Цилиндр шаклидаги бу шиша сиёҳдон ганч ўрнатғичга ўрнатилган. Ганч ўрнатғич тўртбурчак шаклида бўлиб, ён томонларига ҳандасавий шакллар ўйиб туширилган.

Афросиёбда бундан илгари ҳам худди шундай сиёҳдонлар топилган. Ҳатто битта ганч ўрнатғичга бештагача сиёҳдон жойлаштирилган ҳолда ҳам учрайди. Эҳтимол ҳар бир сиёҳдонга ҳар хил рангдаги сиёҳ солинган бўлса ажаб эмас.

Маълумки, ўрта асрларда китоблар ҳар хил рангдаги сиёҳларда ёзилган ва безатилган. Афросиёбдан

снѐхдонларнинг топилиши IX—X асрларда Самарқандда саводхонлик кенг ёйилганлигидан далолат беради.

Биз ҳашаматли уйдан чиқиб, Афросиёб шаҳарчасининг қоқ ўртасидан ғарбдан шарққа йўналган кўча бўйлаб кета туриб, сопол қувурга кўзимиз тушди. Ажабо, бу қандай қувур бўлди экан, наҳотки водопровод бўлса, деб ажабландик.

## АФРОСИЁБ ВОДОПРОВОДИ

Сувсиз ҳаётни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Қаерда сув бўлса ўша ерда шаҳарлар ва қишлоқлар қад кўтарди, ҳаёт қайнайди. Қадимги Самарқанд ҳам сув билан яхши таъминланган бўлган. Ҳозирги эски шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтган Наводон ариғи, Афросиёбнинг жанубий қисмидаги ҳозирги Ҳазрати Ҳизр масжиди ўрнидан ўтиб, уч тармоқ каналга бўлинган ҳолда шаҳарни сув билан таъминлаган.

Археологик қазииш ишлари натижасида каналларнинг қолдиқлари топилди ва ўрганилди. Уч тармоқ каналдан ўз навбатида яна майда ариқчаларга бўлинган. Кўпчилик ариқлар очиқ бўлиб, четлари пишиқ ғиштдан ишлаб чиқилган. Бироқ асосан сув сопол қувурлардан оққан. Демак, водопроводларга сув ўша даврда қазилган каналлардан олинган. Бу ерда ер ости сувлари анча юза жойлашгани учун шаҳарда водопроводлардан ташқари жуда кўп қудуқлар бўлганлиги ҳам маълум бўлди. Ҳатто баъзи қудуқларга зинапоярлар орқали тушилган, улар одам бўйи баландлигидаги ертўлаларга ўхшаш хоналарнинг ўртасига жойлашган. Ертўлада ва зинапоя деворларида махсус токчалар бўлиб, у ерга чироқлар қўйилган.

Қазииш натижасида ифлос сувлар махсус қувурлар орқали шаҳар ташқарисига чиқарилиб юборилгани ҳам аниқланди. Демак, ўрта асрларда Афросиёбда водопровод ва канализациядан кенг фойдаланилган, авлод-аж-

додларимиз тозалик ва гигиенага катта эътибор берганлар. Бу эса қадимги Самарқанднинг обод ва маданий шаҳар бўлганлигини кўрсатади.

Саёҳатимиз давомида шаҳар ичида бир нечта катта-катта ҳовузларни кўрдик. Албатта, бу ҳовузларда доимо сув бўлган. Айниқса, Самарқанд қамалда қолган вақтларда аҳоли ҳовуздаги сувлардан, қудуқ ва булоқ сувларидан фойдаланган. Ҳозирги кунда ҳам Хўжа Дониёр мақбараси атрофида, яъни Сиёб ариғи бўйларида бир неча булоқлардан муздек зилол сув отилиб чиқиб ётибди.

Ўрта асрларда мазкур булоқлар экинларни сугориш ва кундалик турмушда асқотган.

Биз кўча бўйлаб кета туриб, шаҳарнинг марказига жойлашган кулоллар маҳалласидан чиқиб қолдик. Маҳалладаги уйлар жуда ҳам зич жойлашганини кўриб ҳайрон бўлдик. Кулолчилик маҳалласига сайр қилишдан аввал мана шу маҳалланинг остида қолиб кетган, 1965 йилда Ўзбекистон археологлари томонидан кашф этилган, дунё аҳамиятига эга бўлган, ажойиб расмлар билан безатилган сарой ҳақида тўхталиб ўтайлик.

## САРОЙ

Ўзбекистон археолог олимлари Афросиёбда VII асрга оид Самарқанд ҳукмдори Вархуман саройини очдилар. Сарой комплексига ҳозиргача очилган йигирма бешдан ортиқ заллар киради. Айниқса, меҳмонхона ёки йиғинлар ўтказиладиган жой вазифасини ўтаган жуда катта зал ва унинг ёнидаги узун коридор кишининг диққатини ўзига тартади. Биз хоналарни бирма-бир айланарканмиз, ажойиб деворий расмлар билан безатилган сарой ичига кириб, ҳайратда қолдик. Шу ўринда сарой деворларига нозик дид ва маҳорат билан чизилган суратлар ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилиб беришни лозим топдик.

Саройнинг барча деворлари ранг-баранг суратлар билан безатилган бўлиб, мовий рангга бўялган девор фонида моҳир рассомнинг нозик мўйқалами билан чизилган, устига бахмал ёпилган оқ филнинг сурати, унинг устида эса, тахтиравонда бир малика ўтирибди. Фил сағрисида ўтирган бошқа бир аёл эса малика ўтирган тахтиравонни ушлаб олган. Қорабайир, жийрон ва саман от минган уч чавандоз канизак маликани кузатиб бормоқда. Канизаклардан бирининг қўлида сўғд тилида ёзилган: «Маликанинг яқин кишиси» деган ёзув бор. Аёлларнинг тантанали юришини бир ўркачли нортуялар минган икки эркак кузатиб бормоқда. Қуюқ қошли, серсоқол, соч қўйган бу эркаклар бошларини пешонабоғ билан танғиб олганлар. Уларнинг қўлларида мўътабарлик ва ваколатлиликнинг рамзи бўлмиш гурзи бор. Орқароқда қилич таққан, от етаклаган бир кишининг ва тўртта оқ туяқушни кузатиб бораётган отлиқ ўспириннинг сурати чизилган. Уларнинг оғиз ва бурунлари оқ мато билан боғланган. Туяқушлар сурати муқаддас қушлар тасвиридир. Биз оғиз ва бурунлари боғланган ҳолда бораётган кишилар суратига нигоҳ ташлар эканмиз, дарҳол оташпарастилик динидаги қоҳинларнинг муқаддас олов олдида оғизларини боғлаб юрганлари ёдимизга келди.

Деворнинг марказий қисмида бир суворийнинг сурати бор. Бу сурат бошқа суратларга қараганда икки баробар катта қилиб ишланган. Уни бир қанча отлиқлар кузатиб бормоқда. Бу, шубҳасиз қандайдир шаҳзода-нинг сурати бўлиши керак. Афсуски, суратнинг жуда кўп ери кўчиб кетган. Шаҳзода суратининг сақланиб қолган парчаларига қараганда, унинг эғнида оққушлар расми солинган матодан тикилган қизил яхтак бор. Белига қилич, камоннинг ғилофи ва ўқдон осилган...

Хонанинг ғарбий деворида шоҳона либослар кийган ва қимматбаҳо тўқфалар кўтарган кишилар тасвирланган. Мана, бошига тож кийган кишининг қўлида бир

шода марварид. Унинг орқасида турган, бошини танғиб олган эркакнинг қўлида эса қути. Учинчи одамнинг қўлида олтин занжирли жевак. Уларнинг кийимларида қирғовуллар, қанотли ит, арслон ва архарларнинг суратлари бор. Хуллас, суратлар шу қадар баланд эстетик дид билан чизилганки, уларни кўрган киши кўз ўнгида суратлар эмас, балки тирик одамлар ва жониворлар тургандек ҳис этади. Чунки суратлардаги одамларнинг хатти-ҳаракати, отларнинг оёқ олишидан тортиб, йўл юравериб чарчоқдан лунжлари осилиб кетган туяларнинг қайта-қайта чўкаверишидан қавариб, оқ ем бўлиб кетган тиззалари, кишилар юзидаги ажинлар-у, соч-соқолларнинг ҳар бир толасигача жуда жонли ва жозибали қилиб тасвирланган. Бундай ажойиб санъат асарини яратиш ўта моҳир, истеъдодли рассомларнинггина қўлидан келади.

Ғарбий девордаги бир одамнинг этагига қора сиёҳда ўн олти қатор қадимги сўғдча ёзувда хат битилган бўлиб, бунда тахтга ўтирган Самарқанд ҳукмдорини табриклаш учун келган бошқа давлат элчиларининг Самарқанд ҳукмдорига бўлган самимиятлари изҳор этилган эди. Уни ленинградлик сўғдшунос олим В. А. Лившиц ўқиб, таржима қилди. Ёзувнинг мазмуни қуйидагича: «Вақтлик элчи ҳукмдор Вархуман ҳузурига келгач, сўзга оғиз очди ва дедик: «Ман Чаганиён ҳукмдори Туронтошнинг элчиси Бур-Зотак бўламан. Ман унинг тарафидан Самарқандга келдим ва ҳозир Самарқанд ҳукмдори ҳузурда турибман. Самарқанд ҳукмдори маннинг ҳақимда шубҳаланмасин, чунки ман Самарқанд маъбудаларини яхши биламан. Самарқанд ёзувини яхши биламан ва Самарқанд ҳукмдорини ҳурматлайман. Ҳукмдор Вархуманга бахт ёр бўлсин». «Энди Чоч элчиси сўзга оғиз очди». Шу ерда девор сувоғи бузилиб, хат узилиб қолган. Бу хат тарихий ҳақиқатга мос бўлиб, ўша даврга оид тарихий хроникалар ва топилган чақа пуллар ҳақиқатда Вархуманнинг 651

йилдан то 687 йилгача Самарқанд ҳукмдори бўлганлигидан далолат беради.

Профессор Я. Ф. Фуломовнинг хулосасига кўра, хонанинг ғарбий деворида чизилган тахтиравонда ўтирган одам Самарқанд ҳукмдори Вархуман бўлиб, у ўз аъёнлари билан биргаликда бир неча чет давлат элчиларини қабул қилмоқда. Элчилар эса Вархуманнинг тахтга чиқишини қутлаш учун келган бўлишлари керак. Чунки бирданига бир неча давлат элчиларининг бир вақтда келиши янги ҳукмдорни муборакбод қилиш муносабати билан бўлар эди. Хонанинг шарқ томони деворидаги суратларда тўлқинли дарё ёки денгизда балиқлар сузиб, қушлар учиб юрибди. Шу суратда яланғоч гўдакларнинг сув кечиб боришаётгани тасвирланган. Профессор Я. Ф. Фуломовнинг изоҳлашича, бу манзарада қадимги оташпарастлар эътиқод қилган Вурукаша дарёси тасвирланган. Гўё бу дарё одам ва махлуқларни гуноҳдан халос этувчи дарё ҳисобланган. Унда софлик ва бегуноҳлик рамзи бўлган гўдаклар ва балиқлар тасвирланганки, бу профессорнинг тахмини ҳақиқатга яқинлигини кўрсатади.

Саройнинг шимолий деворида иккита сурат бўлиб, биринчисида бир неча баҳодир суворийларнинг йўлбарслар билан қилаётган жанги тасвирланган. Бир суворий йўлбарснинг бошига найза санчмоқда. Бошқа бир суворийга йўлбарс ҳамла қилмоқда. Яна бир суворий найзасининг учи синган, бошқаси эса нишонга ололмаган вазиятда акс эттирилган. Иккинчи суратда дарёда сузиб кетаётган иккита қайиқ тасвирланган. Қайиқларнинг олд томони ярим одам, ярим ҳайвон шаклида ясалган. Қайиқларда олти-саккизтадан одам ўтириб кетяпти. Улар шоҳона кийимлар кийиб олганлар. Қайиқлардаги одамлар Самарқандга келаётган Шарқий туркистонлик элчилар деб тахмин қилинмоқда.

Бундай ажойиб деворий расм намуналари бошқа хона деворларида ҳам топилган. Ҳали бу жойда қазич



ишлари давом этирилмоқда, келгусида кўп ноёб расмлар топилди, тасвирий санъат тарихимизнинг ёрқин саҳифалари очилади.

## КУЛОЛЧИЛИК МАҲАЛЛАЛАРИГА САЙР

Энди Афросиёб харобаларида сақланиб қолган кулолчилар маҳаллаларига йўл олиб, ўрта аср кулолчилиги ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз. Афросиёб харобасининг анчагина қисмини кулолчилик маҳаллалари эгаллаган. Ўрта асрларда ҳақиқатан ҳам Самарқандда кулолчилик жуда ривожланган, уй-рўзғор буюмларининг асосий қисми лойдан ясалган. Ҳатто, овқатлар ҳам сопол қозонларда пиширилган, чой сопол идишларда қайнатилган.

Археологик қазиш ишлари шунинг кўрсатдики, дастлабки кулолчилик маҳаллаларидан бири Афросиёбнинг шимолий қисмида — Хўжа Дониёр мазори ёнида бўлган. Бу ердан бир неча кулолчилик хумдонлари, кулоллар яшаган уйлар топилди. Улар орасида ўрта асрга оид сопол идишлар, турли хил рангдаги шиша буюмлар, бир қанча сўғд танга пуллари бор. Топилмалар эрамининг V—VII асрларида бу ерда кулоллар маҳалласи бўлганлигидан далолат беради.

Очилган хумдонлар узунчоқ шаклда бўлиб, икки қисмдан иборат. Пастки қисми ўтхона, юқори қисмида сопол идишлар пишириш хоначаси бор. Айниқса, бу ердан топилган аёл ҳайкалчаси жозибали ишланганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Иккинчи кулоллар маҳалласи Афросиёбнинг ғарбий қисмида жойлашган экан. Бу маҳалла 1960 йилда археолог олимлар томонидан очилган эди.

Қазиш вақтида сопол қозонлар, кўзалар, идишларнинг қопқоқлари ҳам топилди. Демак, бу кулолчилик маҳалласи қозон, кўза ва қопқоқлар тайёрлашга мутахассислашган экан. Бу ердан топилган тангалар эса

сомонийлар ва қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврига тегишли бўлиб, X—XI асрларда зарб этилган. XI аср ўрталарида бу маҳалла қандайдир ташқи талафот натижасида вайрон бўлган ва қайта тикланмаган. Шундан кейин кулоллар Афросиёбнинг жануби-ғарбий қисмига кўчганлар. Бу ерда улар XII аср бошларидан то 1220 йилгача, яъни Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларининг Афросиёбни бутунлай вайрон этгунларига қадар яшаганлар.

Афросиёбнинг жануби-ғарбий қисмидан топилган кулоллар маҳалласида саккизта хумдон, битта хумхона ва кулолларнинг кўплаб уйлари очилди.

X—XI асрларда Афросиёбнинг марказий кулолчилик маҳалласида ҳаёт қайнаган. Кулоллар маҳалласининг қоқ ўртасидан шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири кесиб ўтади. Кўчаниннг икки томонида эса кулолларнинг уйлари жойлашган.

Биз тош кўчадан кета туриб, чап қўлдаги эшикдан кулол ҳовлисига кирдик. Кўча эшикдан бошланган гишт терилган йўлка ҳовли тўридаги уйга олиб борди. Уйнинг юқори қисмида супа бўлиб, супага гишдан ясалган яшик ўрнатилган. Яшик ичида кулолчилик ёрғичоғи. У иккита япалоқ тошдан ясалган, ўртаси тешик. Бу уй кулолнинг ишхонаси эканлиги маълум бўлди. Уйдан йўлакка чиқдик. Йўлак охирида чап ва ўнг томонда иккита эшикка дуч келдик. Чап томондаги эшикдан ичкарига кирдик. Бу ерда 10 та хум тизилиб турибди, яқинроқ бориб хумларнинг ичига назар солдик. Улардаги хилма-хил бўёқларни кўриб, ҳайратда қолдик. Демак, булар кулолларнинг бўёқлар сақлайдиган хумхоналари экан. Хумхонадан йўлакка чиқиб, ўнгдаги эшикка кирдик. Зинапоялардан пастга туша бошладик. Пастга тушгач, чап томондаги токчада турган сопол чироққа кўзимиз тушди. Бир вақтлар бу чироқ кулол уйини ёритган бўлса керак. Охири одам бўйи баландликдаги бир ертўлага тушдик. Унинг деворлари,

шифтлари хом гиштан гумбаз шаклида ишланган экан. Хонадаги ёй шаклида деворга ёпишган супа ўтириш ёки ётиш учун жуда қулай. Хонанинг уч томонида учта токча бор экан.

Хўш, бу бино нима мақсадда қурилган? Урта асрларда шаҳарлар мудофаа деворлари билан ўралиб, одамлар яшаган ҳовлилар тор ва зич бўлган. Шунинг учун ҳам ҳар бир хонадон ўзининг битта ёки иккита сардобхонасига эга бўлган. Кишилар ёзнинг жазираси кунларида сардобхоналарга тушиб дам олганлар. Бундан ташқари, бу ерда сув ва тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам сақланган.

Кулолчилик устахоналарини қазиниш вақтида сирланган лаганлар, кўзалар, косалар, пилалар, тақсимчалар, қозонлар, чой қайнатадиган қумғонлар, товалар, хонтагага ўхшаш пастак столлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари кўплаб топилди. Идишлар ихчам, нафис ишланган эди.

Усталар ўзлари ясаган идишлар устига сир бериб, ҳар хил ҳайвонлар, гуллар, қушлар, одамларнинг суратини чизганлар. Бу идишларнинг бўёқлари ер остида минг йил ётишига қарамай, сира ҳам ўчмаган.

Биз кулолларнинг уйларини бирма-бир айланиб юрар эканмиз, ажойиб нақшли ўчоқларни ва ҳар хил ҳажмдаги сопол қозонларни кўрдик. Наҳотки ота-боболаримиз сопол ўчоқ ва қозонларда овқат пиширишган бўлса? Ҳа, шундай бўлган. Ҳозиргача Афросиёбдан юзлаб қозон ва ўчоқлар топилган.

Эрамизнинг IX—X асрларига оид бу топилмалар устидаги дастлабки тадқиқотлардан маълум бўлмоқдаки, қозон ва ўчоқлар яшаш бошқа уй-рўзғор идишларини яшашдан фарқ қилган.

Қозонларни ўтга чидамли қилиш мақсадида кулоллар лой қораётганларида унга қум, кварц, сланец, ҳамда сопол парчаларини, шунингдек, ўчоқлар қуриганда ёрилиб кетмасин учун қамиш тўзони, юнг аралаштир-

ганлар. Учоқларнинг олд қисмига ҳар хил геометрик шакллар, ўсимлик, парранда ва ҳайвонларнинг расмини солганлар.

Демак, X—XI асрларда Ўрта Осиёнинг марказий шаҳарларида, хусусан, Самарқандда кулолчилик санъати жуда ривожланган экан.

## ТАНГА ПУЛЛАР

Археологик қазиш ишлари давомида Афросиёбдан бир қанча мис, кумуш ва олтин тангалар топилди. Уларнинг орасида Афросиёб марказидаги кулолчилик маҳалласининг энг пастки маданий қатламларидан топилган 115 дона мис танга жуда яхши сақланган ҳолда бизгача етиб келган. Тангаларнинг юза томонида сўғд тилида «Тархун» ва «Малик» сўзлари битилган. Биринчи сўз ўрта асрларда Самарқанд пойтахти бўлган қудратли Сўғд давлати подшосининг номи бўлса, иккинчи сўз уни улуғловчи лақаби бўлган. Тангаларнинг ўртаси тўртбурчак шаклида тешик бўлиб, одамлар тангаларни тешигидан ип ўтказиб белбоғларига осиб юрганлар.

Кулолчилик маҳалласининг шимолий қисмидаги бир ўрадан 15 дона мис танга топилган. Маълум бўлишича, бу тангалар Сўғд подшоси Тургар ҳукмронлик қилган даврга мансуб экан. Кўриниши ва шакли аввалги тангаларга жуда ўхшайди. Қўҳна Афросиёбдан олтин тангалар ҳам топилган. Катталиги ҳозирги уч тийинлик чақадек келадиган бу тангалар 700 йил ер остида ётишига қарамай, гўё яқинда зарб этилгандек, биронта ҳарфи ўчмай, ярқираб турибди.

Тангаларнинг ўнг томонида: «Оллоҳдан бошқа худо йўқ, Муҳаммад унинг ердаги вакилидир», тескари томонида эса: «Буюк Султон Муҳаммад ибн Текеш», деган сўзлар бор.

Афросиёбнинг Чингизхон бошлиқ мўғуллар ёндириб юборган Жоме масжидидан топилган бу олтин тангалар Хоразмшоҳ Муҳаммад замонида, эрамизнинг XIII асри бошларида зарб этилганлиги маълум бўлди.

Танга пуллар қазилаётган иншоотнинг, маданий қатламларнинг, умуман, топилдиқларнинг аниқ санасини белгилашда археологларга катта ёрдам берувчи қимматли манба ҳисобланади.

Шундай қилиб, тангаларга зарб қилинган вақти, чиқарилган шаҳарнинг номи, подшонинг исми ва лақаби ёзилган бўлади. Биз уларни ўрганиш натижасида подшоларнинг ҳукмронлик қилган даври, маълум давлатнинг чегараси, ўша давлатнинг савдо-сотиқ муносабатлари аҳволи, иқтисодий ҳаётини билиб оламиз. Тарихий китобларда ёзилмаган тарихий воқеаларни тангаларни ўрганиш натижасида ёритиб бериш мумкин. Шунинг учун археологлар тангаларни тарих қалити деб бежиз атамайдилар.

Танга пулларни ўрганувчи фанни «нумизматика» деб, уни ўрганувчи мутахассисларни «нумизматлар» дейилади. Бу грекча «номизма» сўзидан олинган бўлиб, «танга пул» маъносини билдиради.

Нумизматиканинг вазифаси қадимги танга пулларни ўрганиш асосида кишилик жамияти тарихини ўрганишдан иборат. Нумизматика фани археологияга ёрдамчи фан ҳисобланади.

## ТОШ КЎЧАЛАР

Маълумки, ўрта асрларда яшаган айрим араб тарихчилари ва географлари Самарқандда тош ётқизилган кўчалар бўлганлиги ҳақида ёзганлар.

Ўзбек археологлари шундай тош кўчаларни топиш учун кўп йиллар қазиш ишларини олиб бордилар. 1961 йилда археолог Ш. Тошхўжаев шаҳар марказидан ўтган тош кўчани топишга муваффақ бўлди. Бу Афросиёбда топилган биринчи кўча эди. Ҳозиргача археолог-

лар ўнга яқин тош кўчани очдилар. Улар Афросиёбдаги мавжуд ҳамма кўчаларни очиб бирлаштиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар.

Тош кўчалар тоғ жинси бўлган сланецдан мустаҳкам қилиб қурилган. Археологик текширишлар натижа-сида қадимги Самарқанднинг магистраль кўчалари қу-йидаги йўналишда бўлганлиги аниқланди. Тош кўчалар шаҳарга кираверишда Қеш дарвозасидан, яъни ҳозирги Ҳазрати Ҳизр масжиди ёнидан бошланган каналлар бўйлаб кетган: ғарбий кўча ҳозирги Самарқанд — аэро-порт кўчаси ўрнидан ўтиб, сўнгра Бухоро дарвозасига бориб туташган. Марказий кўча ҳам Қеш дарвозасидан бошланиб, тўғри Аркка ва Жоме масжидига олиб бор-ган. Шарқий кўча эса, марказий кулоллар маҳалласини айланиб ўтиб, шарқдаги Хитой дарвозасигача чўзилган. Яна бир кўча Қеш дарвозасидан бошланиб, шаҳарнинг жанубий маҳаллаларини бир-бири билан боғлаган. Бундан ташқари, кичик кўчалар, боши берк кўчалар бўлганлиги қазилар ишлари натижасида аниқланди. Кў-чаларнинг кенлиги 4—5 метр бўлиб, узунлиги ҳар хилдир.

...Мана, биз X аср тош кўчасидан юриб боряпмиз. У худди яқиндагина қурилгандек текис ва раво. Беихти-ёр хаёл кишини ўтмишга етаклайди. Ҳар бир тош қон-хўр Чингизхон бошлиқ босқинчи мўғулларнинг ваҳший-ликларини, ота-боболаримизнинг заҳматкашлигини, яшаш, яратиш йўлидаги интилишларни, орзу-умидлари-ни унсиз ҳикоя қилаётгандай... Гўё сеvimли шоиримиз Ғафур Ғулом машҳур шеърини шу кўча ҳақида ёзган-дай:

Бу йўллар кўп қадим йўллардир...  
Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,  
Рум қайсари,  
Қотил Чингиз,  
Боту, Жўжи,  
Темурланг  
қолдириб кимсасиз из,

Чиндан мўғул ўчи  
борлиқни  
жонлига қилиб танг,  
— Қон — дея,  
— Қон — дея,  
босароқ кечмишдир.

Тош кўча бизни Кеш дарвозасига олиб борди. Дарвозадан чиқиб, ҳозирги вақтда жўшқин ҳаёт мавж уриб турган, архитектура ёдгорликлари маскани бўлган қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига йўл олдик.

\* \* \*

Археологик қўриқхона ҳисобланган ва ЮНЕСКО ихтиёрида бўлган Афросиёб Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Археология институтининг бир группа археолог олимлари томонидан 20 йилдан бери мунтазам текшириб келинади. Улар шаҳарчанинг бир неча жойида текшириш ишларини олиб бориб, анчагина материалларни қўлга киритдилар. Аммо шаҳар эгаллаган майдоннинг катталиги, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг кўплиги Афросиёбнинг яна бир неча ўн йиллар мобайнида тадқиқот қилинишини тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, Афросиёб Ўрта Осиё археологик ёдгорликлари ичида ҳажми ва аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринда туради. Афросиёбдан қазиб олинган археологик топилдиқлар жаҳоннинг кўпгина машҳур музейларидан ўрин олган. Уларни Париж, Лондон, Нью-Йорк музейларида учратиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизким, Афросиёб Ўзбекистонда археология фанининг бешинги вазифасини ўтаган, чунончи, биринчи археологик қазилар ишлари шу ерда бошланган, археологик қазилар методикаси шу ерда туғилиб, ҳозирги даражасига кўтарилган.

Биз ёш китобхонларга Афросиёб тўғрисида, Самарқанд тарихидан бир шингил ҳикоя қилиб бердик, холос. Тадқиқот ишлари давом этмоқда. Ҳали кўпгина кашфиётлар қилинади, ноёб санъат ва маданият дурдоналари топилади.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Муаллифдан . . . . .                   | 2  |
| Археология билан танишув . . . . .     | 3  |
| Афросиёб . . . . .                     | 7  |
| Бухоро дарвозаси . . . . .             | 10 |
| 2500 ёшли мудофаа девори . . . . .     | 11 |
| Оташпарастлар маҳроби . . . . .        | 12 |
| Жоме масжиди. . . . .                  | 13 |
| Арк. . . . .                           | 15 |
| Минг йиллик ҳаммомлар . . . . .        | 17 |
| Ҳашаматли уй қолдиғи . . . . .         | 18 |
| Х аср сиёҳдони ва сиёҳи . . . . .      | 19 |
| Афросиёб водопроводи . . . . .         | 20 |
| Сарой . . . . .                        | 21 |
| Кулолчилик маҳаллаларига сайр. . . . . | 25 |
| Танга пуллар . . . . .                 | 28 |
| Тош кўчалар . . . . .                  | 30 |

III 79

На узбекском языке

### Шарасул Шарахимов ПУТЕШЕСТВИЕ ПО АФРАСИАБУ

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1979.

Редактор М. Бобоева. Рассом П. Воронкин. Расмлар редактори Қ. Алиев. Техн. редактор Г. Аҳмаджонова. Корректор С. Сайдолимов.

ИБ № 422

Босмахонага берилди 17.04.79 й. Босишга рухсат этилди 22.06.79 й. № 1 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,4. Нашр листи 1,36. Тиражи 15000. Р—13603. Шартнома № 201—78. Баҳоси 5 т. Заказ № 798.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.  
Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ББК 63.4+63.3 (2У)

Ш 70803—94  
356 {04}—79 40—79. 0507000000